

**МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ШАКЛАНТИРИШДА
ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР**

Республика илмий-амалий анжумани



Бухоро – 2019

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ
ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КАСБИЙ
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
ШАКЛАНТИРИШДА ИННОВАЦИОН
ЁНДАШУВЛАР**

**Республика илмий-амалий анжумани
материаллари тўплами**

2019 йил 17 май

Бухоро – 2019

МУНДАРИЖА

Кириш		4
1-ШЎЬБА. МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШДА ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВЛАР		
O.X.Хамидов	Олий таълим тизимида бўлажак ўқитувчиларни тайёрлашда касбий-педагогик компетентлигини шакллантириш	5
C.Қ.Қаххоров	Таълим тизимида кадрлар тайёрлашнинг инновацион ёндашуви	7
Ш.Ш.Олимов, М.А.Жумаева	Бўлажак ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлашда педагогика фанини ўқитишни такомиллаштириш	10
M.X.Shomirzaev, O.Sh.Tursunbayeva	Mehnat ta’limi (“Texnologiya”) fani o‘qituvchilarning texnologik tayyorgarligini takomillashtirish	14
Г.М.Аноркулова, Д.А.Ражабова, М.Э.Магдиева	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларни инновацион фаолиятга тайёрлаш муаммолари	17
С.Х.Холияров	Инновацион технологиялар таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини ошириш омили	19
П.А.Адилов, Н.Ташимов, Ш.Х.Жумабоева	Интерактивное обучение – как средство активизации познавательной деятельности студентов (<i>на примерах начертательной геометрии</i>)	21
Б.Қ.Хўжаев	Ўқувчи-ёшларни касбга йўналтиришнинг инновацион технологиялари	23
Ж.Э.Пардабоев	Таълим жараёнда инновацион педагогик технологиялардан фойдаланиш мазмуни	26
М.Х.Шомирзаев	Мактаб ўқувчиларида халқ ҳунармандчилиги касбларига қизиқиши фанлараро шакллантириш	28
Ж.О.Балтабаев	Педагогик олий таълим муассасаларида меҳнат ўқитувчиларининг методик тайёргарлигини шакллантириш йўллари	30
A.R.Jo’rayev, M.F.Saidova	Gidravlika va issiqlik texnikasi fanini o’qitishda virtual ta’limdan foydalanish metodikasi	34
Р.М.Ҳайдаров, А.П.Холиярова	Меҳнат таълими дарслари самарадорлигини ошириш йўллари	37
A.R.Jo’rayev, S.I.Baxtiyorova	“Texnalogiya va dizayn” fanining elektron metodik ta’minotini yartish va o’qitishda foydalanish metodikasi	44
Ҳ.С.Якубова	Технология фани ўқитувчиларини тайёрлашда инновацион ёндашув	46
S.Toshpo’latova, M.Turg’unov	“Chizma geometriya va muhandislik grafikasi” fanini o’qitishda mobil ta’limdan foydalanish imkoniyatlari	48

**2-ШЎБА. МЕҲНАТ ВА КАСБ ТАЪЛИМИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ
КАСБИЙ-ПЕДАГОГИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ
МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ**

Б. Р. Адизов	Меҳнат ва касб таълими ўқитувчиларининг касбий компетентлигини шакллантиришда инновацион ёндашув	51
Э.М.Мухторов	Психологик компетентлик - врач касбий маҳоратининг муҳим таркибий компоненти	57
Ш.Х.Қулиева	Рақобатбардош мутахассисларнинг касбий-педагогик компетентлигини шакллантиришда ўқув жараёнини модернизациялаш	62
М.Х.Шомирзаев, Р.М.Ҳайдаров	Меҳнат таълими дарслари самарадорлигини оширишга оид муаммолар	65
О.Х.Узоков	Организация уроков технологии на основании технического конструирования и моделирования	71
Э.И.Рузиев	Меҳнат таълими йўналишидаги “халқ хунармандчилиги ва бадиий лойиҳалаш” фанидан таълим жараёнини ташкил қилиш	74
A.R. Jo'rayev	Bo'lajak kasb ta'limi va texnologiya fani o'qituvchilarining faolligini oshirishda dasturlashtirilgan ta'lim vositalardan foydalanish	77
J.A.Mannonov	Kasb ta'limi o'qituvchisining kasbiy faoliyatini shakllanish elementlari	80
Х.Х.Каримов	Создание безопасных условий труда на промышленных предприятиях	83
Г.М.Анорқулова, М.Э.Магдиева, Д.Т.Достмухамедова	Умумтаълим мактаблари учун «технология» фани ўқитувчиларини тайёрлашга компетенциавий ёндашув	86
A.T.Umirov, A.S.Tursoatova.	Xalq hunarmandchiligining amaliy jihatlarini o'rgatish	91
С.Ю.Ражабова, Ҳ.С.Якубова	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларининг конструкторлик-технологик компетентлигини ривожлантириш методлари	93
Q.R.Axtamova, R.A.Axtamov	Kompetensiyaviy yondashuvli darslar – davr talabi	95
Ш.Н.Муслимов	Модулли-компетентли ёндашув бўлажак ўқитувчиларни касбий-педагогик тайёргарлигини такомиллаштириш омили сифатида	98
A.A.Turayev, S.A.Aldasheva	Kasbiy motivatsiyani shakllantirishning pedagogik-psixologik xususiyatlari	100

Z.G'.Azimova	Axborot-kommunikativ kompetentlikning mehnat va kasb ta'limi o'qituvchilarining kasbiy-pedagogik kompetentligini shakllntirishdagi o'rni va mohiyati	106
O.N.Muxidova.	Ta'lim mazmunini modernizatsiyalash jarayonida grafik organayzerlardan foydalanish usullari	108
J.K.Tojiev	Buyumlarni badiiy bezashda shriftlardan foydalanish va uning ahamiyati	113
Z.D.Rasulova	Muammoli yondashuvlar asosida bo'lajak mehnat ta'limi o'qituvchisining pedagogik mahoratini rivojlantirish omillari	116
Sh.Sh.Sharopov.	Bo'lajak zamonaviy ingliz tili o'qituvchisining kasbiy mahoratini takomillashtirishning ayrim yo'nalishlari	119
О.Т. Парпиев	Бўлажак касб таълими ўқитувчиларида ўйин компетенцияларини шакллантириш тенденциялари	121
М.Э.Ахматова, М.Ж.Тешаева	Ўқитувчиларнинг касбий-педагогик компетентлигини ошириш	125
Ҳ.С.Якубова	Бўлажак меҳнат таълими ўқитувчиларини тайёрлашда муаммолар ва уларнинг касбий-педагогик тайёргарлиги	128
E. J.Turdiyev, Z.J.Shafoatov, X.T.Maxamov	Texnologik kompetentlikni shakllantirish	131
M.N.Karimova, D.I.Radjabova	Maxsus fanlarni o'qitish jarayonini samarali tashkil etilishi	133
И.И.Рахматов	Ўрта умумтаълим мактабларида “технология” фанини ўқитишида компетенциявий ёндашувлардан фойдаланиш методикаси	138
Sh.H.Quliyeva, A.Z.Esonova	Umumkasbiy fanlarni o'qitishda muammoli vaziyatlarni yaratish	140
А. Саломов	Малака ошириш таълимига интегратив ёндошув самарадорлик омилларидан	142

3-ШЎЬБА. ТЕХНИКА ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РИВОЖЛANIШИДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Sh.H.Quliyeva	Tanqidiy fikrlashni rivojlantiruvchi texnologiyalar	145
Ў.О.Тохиров	Технология фанини мазмунан модернизациялаш ва таълим сифати ва самарадорлигини оширишда қўлланиладиган муаммоли таълим методлари	148
Ҳ.О.Жўраев	Медиатаълим воситалари ёрдамида муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш йўналишлари	152

М.Х.Шомирзаев, С.Т.Давлатова.	Умумтехника фанларини ўқитишида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш	154
У.Ф.Тураева.	Определение излучательной способности стационарным методом	157
А.А.Baymurzaeva, G.X.Utepbergenova	Mobil texnologiyalarning interfaol vositalaridan o'quv jarayonida foydalanishning hozirgi holati	162
Н.М.Хамдамова	Ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда муқобил энергия манбалари қурилмаларидан фойдаланиш	164
Ў.О.Тоҳиров	Технология фанини ўқитишида янги авлод дарсликларининг роли ва аҳамияти	167
М.Н.Каримова	Maxsus фанларнинг ўқитиш тамойиллари	169
S.T.Davlatova	Elektron xabarlarni yetkazishning mobil tizimi va kriptografiya yordamida elektron xabarlarni himoyalash	172
Sh.Ch.Tursunov	Texnologiya fanidan darslarni mazmunli tashkil etish (polimer material qismidan)	174
O.N.Muxidova	Texnologiya fanini o'qitishda interfaol usullarning qo'llanilishi	179
Z.Toirov	Ta'lrim tizimiga muqobil enargiya manbaalaridan foydalanish bo'yicha yangi pedagogik texnologiyalarini yaratish masalalari	183
О.Н.Мухидова, Д.Р.Кулиева	Предмет и задачи методики обучения технологии	185
Б.Р.Ахтамов, З.К.Муродова	«Практикум обучения технологии» с учётом индивидуальных особенностей студентов	188
О.Р.Аvezov, Н.Б.Амруллаев	Глобаллашув шароитида маънавиятга эътиборнинг ортиб бориши	190
A.Sh.Aminov, Sh.Sh.Shavkatov	Чизмачилик фанини ахборот технологиялар ёрдамида ўтиш афзаликлари	192
Sh.H.Quliyeva, J.J.G'afurova	Texnologiya darslarida o'quvchilarga sut mahsulotlari texnologiyasini o'rgatish metodikasi	194
А.Т.Алимов, М.Расулов	Замонавий «технология» дарслигини моделлаштириш масалалари	199
A.I.Avazboyev, G'.M.Abduqadirov, G.Xojikarimova	Pedagogik texnologiyalar ulardan “texnologiya” fani darslarida foydalanishga qo'yiladigan talablar	202
A.R.Jo'rayev, G'.G'.Abdullahayev	Elektrotexnika, radiotexnika va elektronika fanini o'qitishda dasturiy ta'lif vositalaridan foydalanish imkoniyatlari	205
Х.Т.Махамов, К.Э.Боллиев,	Технология таълимида мастер класс	208

Informatika fanini o'qitish jarayonida mobil texnologiyalardan foydalanish bo'yicha nazariy va amaliy mashg'ulotlarni o'qitish texnologiyasi ishlab chiqish va o'quv jarayoniga qo'llash uchun amaliy tavsiyalar ishlab chiqildi. professor-o'qituvchilarga texnik fanlardan dars berishda qulayliklar yaratishda hamda o'quvtarbiya jarayonlari ilmiy-pedagogik samarasini oshirishga xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. A.M.Eshmurodov, X.G'.Soatov, F.A.Muzafarov. Internet tarmoqlari va xizmatlari. T.: ALOQACHI 2017-y.
2. Andrew S. Tanenbaum. Structured computer organization. Fifth edition. 2012.
3. Jmakin A.P. Arxitektura EVM. SPb.: Piter, 2006 g.

**ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ИЖОДКОРЛИК ҚОБИЛИЯТЛАРИНИ
ШАКЛАНТИРИШДА МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ
ҚУРИЛМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

Н.М.Ҳамдамова

БухДУ таянч докторанти

Хозирги вақтда халқ хўжалигининг барча тармоқларига инновацион техника ва технологияларни кенг тадбиқ қилинмоқда. Ушбу техника ва технологияларнинг жорий қилиниши натижасида янги илмий-техник ғоялар амалиётга жорий этилади, ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларида фойдаланишга мўлжалланган турли механизм ва машиналарнинг янги такомиллашган вариантлари яратилади. Бу соҳада ресурсларни тежайдиган янги технологияларни кенг миқёсда жорий этилиши, меҳнат унумдорлигини ва маҳсулот сифатини оширишга хизмат қилади.

Инсоният тарихи тараққиётининг барча даврларида ижодий изланишлар, ихтиrolар жамият ривожланишининг асосий ҳаракатлантирувчи омили сифатида хизмат қилган. Барча даврларда ёш авлодни ижодий изланишга, ижодий меҳнатга ўргатиш, фан-техника тараққиёти шароитида инновацион техника ва технологиялар тўғрисидаги билиmlар билан таништириб бориши энг долзарб вазифа ҳисобланган.

Табиийки, техника ва технология соҳасига оид бўлган турли хил муаммолар ишлаб чиқаришда кўплаб учраб туради ва уларни бартараф этмасдан туриб ишлаб чиқаришда самарадорликни ошириб бўлмайди. Кўплаб ишчи, техник ва муҳандис ходимлар ишлаб чиқариш жараёнини яхшилаш ва такомиллаштиришга қаратилган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифларини кўтариб чиқмоқдалар. Бу таклифларга мувофиқ айrim асбоб-ускуналар яратилмоқда, янги технологик жараёнларга асос солинмоқда. Бундай рационализаторлик ва ихтирочилик таклифини ўртага ташлаётган кишилар техник ижодкорлик бўйича маълум даражада билим ва кўникмаларга эга бўлиши, техник ижодкорлик усулларидан хабардор бўлиши керак. Табиийки, бундай билимларни олиш ишлари мактаб даври-дан бошланади. Мактабда ўқувчиларнинг олган дастлабки билим-лари шу

соҳадаги ишларни чуқурлаштиришга ва давом эттиришга бир турткى бўлиши мумкин. Мустақил ҳаётга кириб келаётган ҳар бир ўқувчи-ёшлар-га, илмий-техник, иқтисодиёт ва ишлаб чиқариш асосларига оид замонавий билимлар бериш, уларни ақлан ва жисмонан ривожлантириш, меҳнатга ижодий муносабатда бўлишни тарбиялаш муҳим аҳамиятга эгадир [1, б. 6].

Шахснинг ижодкорлик соҳасида эришадиган муваффақиятлари даражасини белгиловчи асосий омил унинг эгаллаётган ёки шуғулланаётган ижодий фаолияти турини тўғри танлагани ва айни пайтда шахснинг ўзи ижодий талабларга қай даражада жавоб бера олиши билан белгиланади.

Ўқувчиларнинг ижодий ишларини ташкил этиш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, унда қуйидаги педагогик ва психологияк хусусиятлар ҳисобга олиниши лозим:

1. Ўқувчиларнинг ижодий фаолиятини ташкил этишда уларнинг ёши, билим даражаси ва меҳнат кўнималарига тўғри келадиган ишларни танлаш, шуларга мос келувчи буюмларни ясаш керак. Шу билан бирга бир хил ёшдаги ўқувчиларнинг жисмоний ва ақлий хусусиятлардаги фарқни ҳам ҳисобга олиш зарур. Бунинг учун буюмларнинг мураккаблик даражасидан фойдаланиб иш қўрган маъқул.

2. Ижодий ишларда ўқувчиларга келажакда ишлатса бўладиган, уларнинг маълум бир эҳтиёжини қондирадиган буюмларни тайёрлаш зарур.

3. Ўқувчиларни бирданига ижордкорликка ўргатиб бўлмайди. Балки уларга янгилик киритиш ишларини бардошлилик ва моҳирлик билан оз-оздан, аста-секин, босқичма-босқич ўргатиб бориш керак.

4. Иш давомида ўқувчилар томонидан билдирилган таклифларни, амалга оширилган ишларни, айниқса, янгиликларни ўз ўрнида изоҳлаб бориш керак.

5. Ўқувчиларга ижодкорлик осон иш эмаслигини, бунинг учун бошқа фанлар бўйича ҳам билимлар зарур бўлишини уқтириб бориш лозим.


6. Маълум бир буюмни тайёрлаш юзасидан топилган янгиликни бошқа буюмларга ҳам қўллаш мумкинligини эслатиб ўтиш зарур.

Бугунги кунда техник ижодкорлик фаолиятининг маҳсули замон талаблари даражасида бўлиши учун энг сўнгги ахборотлардан фойдаланиш зарурати юзага келмоқда. Шу сабабли ижодкорлик технологиясини ривожлантириш жараёнида ўқувчиларга фан-техника технологияларнинг энг сўнги ютуқлари тўғрисида ахборотлар бериш билан бир қаторда, ижтимоий-иқтисодий, экологик ва энергетик муаммолар билан танишириб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Дарсдан ташқари машғулотлар жараёнида ўқувчиларни ижодкорлик қобилиятларини шакллантиришда муқобил энергия манбалари асосида ишловчи қуритгичлар, сувчучитгичлар, сувиситгичлар, иссиқхоналар, шамол генераторлари, қуёш энергияси ёрдамида ишлайдиган мева сақлагичлар, қуёш фотоэлементлари, гелиоконцентраторлар, гелиоошхоналар, гелио-печлар каби қурилмаларнинг технологик харитасини чизиб, фанера, ёғоч, пластмассадан қилинган макет ва моделларини ясаш мумкин. қуёш

фотоэлектрик тизимлари ва бошқа қурилмаларни лойиҳалаш ва ясаш мумкин. Ана шундай қурилмалардан бири мини мева-сабзавот қуригич-иссиқхона қурилмаси бўлиб, уй шароитида қуёш энергиясидан фойдаланиб, бутун мавсум давомида оиласа етарли микдорда мева-сабзавотларни тез ва сифатли қуритиш хамда қишиш ва эрта баҳорда кўкат ва кўчатлар етиштиришга мўлжалланган.

Қурилмани маҳаллий шароитда ўсадиган турли дараҳтлардан олинган ёғочлардан тайёрлаш мумкин. Қурилма олдинги девори ва усти тиник шиша билан қопланган, узунлиги 1500 мм, эни 720 мм, олд кисми 600 мм, орқа деворининг баландлиги 900 мм булган “иссиқ қутидан” иборат (1-расм). Қурилманинг хар иккала томонида шиша ромли эшиклар ва табиий вентиляцияни таъминловчи тўрли дарчалар мавжуд. Қурилма камерасида уч қатор силжувчан тўрли стеллажлар ўрнатилган. Ҳар бир қатор стеллажнинг юзаси 1 м. кв. дан бўлиб (иккита 0,5 м. кв. дан), икки қатор пасткисида қуритиладиган маҳсулот жойлаштирилади. Юқоридаги стеллаж қуёш нурларини маҳсулотга туғридан-туғри тушишидан сақловчи соябон вазифасини бажаради, баъзи ҳолларда унда хам мева-сабзавотларни қуритиш мумкин. Қурилма енгил (15 кг атрофида) ва ихчам бўлиб уни ҳовлининг қуёш нури тушадиган ихтиёрий жойида ўрнатиш мумкин [2, б. 64].



1-расм. Қуёш мини мева-сабзавот қуригич-иссиқхона қурилмасининг схемаси

1 - шиша билан қопланган ёғоч каркас; 2 - қуритиладиган мева-сабзавотлар ёйилиши учун тўр тагликлар; 3 - тўр соябон; 4, 6 - табиий хаво алмашинувини таъминловчи дарчалар; 5 - қурилманинг шишаланган эшиги.

Ушбу қурилмани ўқувчилар ўқитувчининг кўрсатмаси асосида тайёрлашлари мумкин. Натижада ўқувчиларда ижодкорлик қобилиятларининг дастлабки элементлари шаклланади. Бу эса келажакда уларнинг ўзлари мустақил равишда турли қурилмаларни лойиҳалаш ва ясаш, янги

вариантдаги такомиллашган қурилмаларни яратишга доир дастлабки амалий кўникмаларни шаклланишига хизмат қиласди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И. Мехнат таълими ўқитиш технологиялари. Ўқув қўлланма. – Тошкент: Фан ва технология, 2013. – 228 б.
2. Qahhorov S.Q., Jo'rayev H.O. Fizika ta'limalda geliotexnologiya. T.: Fan, 2009. –191 b.

ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА ЯНГИ АВЛОД ДАРСЛИКЛАРИНИНГ РОЛИ ВА АҲАМИЯТИ

Ў.О.Тоҳиров

Низомий номидаги ТДПУ ҳузуридаги ХТХҚТУМОҲМ, бўлим бошлиги

Ўқувчиларни баркамол авлод бўлиб вояга етишишида, ўз иқтидорини тўла намоён этишларида, барча қобилиятларини юзага чиқишида ҳамда жамиятда ўз ўрнини топишларида бошқа фанлар қатори “Технология” фани ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

“Технология” фани дарслари ўқувчиларни ақлан фикрлашга, ижодкорликка, замонавий ишлаб чиқаришнинг бозор муносабатларига асосланган талаблар асосида профессионал тайёргарликни оширишга ва жисмоний меҳнат турларидан самарали фойдаланишга оид билим, кўникма ва малакаларни амалиётда тўғри қўллай билиш компитенцияларини эгаллашга ундейди. Уларнинг нафақат жисмоний соғлом, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом бўлишлари учун асосий ўринни эгаллади.

Бугунги кунда ўқувчилар учун 8-синф “Технология” фани дарслигининг янги нашри тайёрланган бўлиб, дарслиқда миллий халқ ҳунармандчилиги технологияси, замонавий ишлаб чиқариш ва тадбиркорлик асослари, электроника ва рўзгоршунослик асослари, касб танлаш йўллаш бўйича маълумотлар келтирилган.

8-синф “Технология” фани дарслиги ўқувчилар келажак ҳаётида муҳим ўринга эга бўлган ва доимий равишда керак бўладиган амалий меҳнат фаолиятига тайёргарлик кўришларида ҳамда қизиқсан касб-ҳунар турларидан бирини тўғри танлашда катта аҳамиятга эга ҳисобланади.

8-синф “Технология” фани дарслигига киритилган **янгиликлар** қўйидагилардан иборат:

1. Дарсликни илк авлодини янги аспектдаги методологиясини илфор хорижий тажрибалардан келиб чиқсан ҳолда ишлаб чиқилганлиги.
2. “Технология ва дизайн”, “Сервис хизмати” йўналишларига киритилган мавзуларнинг 50% ни амалий машғулот мавзулари ташкил қилганлиги.
3. Замонавий техника ва технологияларнинг ривожланишини инобатга олган ҳолда “Электроника асослари” бўлими киритилганлиги.